


“ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ХУДУДИЙ КОРХОНАСИ” АЖ

Учкўприк (шахар, туман) ЭТК



Юридик истеъмолчилар учун электр
таъминоти

ШАРТНОМАСИ

Чуяга шифат, бўйичасон

2022 йил

Юридик шахслар учун электр таъминотининг
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ

20 декабрь «27» 01 440004-сон

Юлбек ғ-зас
(шартнома тузилган манзил)

Ишмурат Мелесеев асосида фаолият юритувчи
рахбари
(худудий электр тармоқлари корхонасининг номи)
И. Мелесеев (кейинги ўринларда
(худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

«Корхона» деб аталади) бир томондан ҳамда

Ишмурат Мелесеев асосида
фаолият юритувчи Ишмурат Мелесеев асосида
рахбари И. Мелесеев (истеъмолчининг номи)
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш) (кейинги ўринларда

«Истеъмолчи» деб аталади), хисоб рақами-

440004

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда
энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган
энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 26666 кВт.с., реактив — кVar.с. ни ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи
(тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПК-3379-сонли қарорда
тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишилаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи
истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин) ни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу
Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу
Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида
аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги №-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутканинг тариф бўйича табақалаштирилган тариф кўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг куйидаги даврларида фойдаланилган энергия учун:

ярим тигиз давр - сутканинг ёруғ вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тигиз давр - эрталабки ва кечки «энг катта микдор» (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатларида: эрталабки «энг катта микдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг катта микдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш бўйича;

тунги давр - сутканинг коронги вақти (энг кам юкламали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни кўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гурухи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланмаган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатида назарда тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Хукумат қарори билан белгиланган тариф кўлланилади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) воколатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзиб олади ва мазкур шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг хақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб, Истеъмолчи томонидан “___” санагача бўлган муддатда худудий электр тармоқлари корхонаси ҳамда Бюрга ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори бўлган қувватга уланган, табақалаштирилган тариф бўйича тўловни амалга ошираётган истеъмолчи энергия сарфи ҳақидаги ҳисоботида тўлиқ истеъмол қилинган энергия ҳажмидан (актив ва реактив) ташқари тигиз, ярим тигиз ҳамда тунги даврларда истеъмол қилинган ҳажмларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун тўловни янги тариф бўйича, улар кучга кирган кундан бошлаб амалга оширади.

3.6. Истеъмолчига энергия етказиб бериш, у томонидан келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномавий микдор кийматининг 100 фоизини (100%) олдиндан тўлагандан сўнг амалга оширилади.

3.7. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов учун ҳисоб-варагини беш кун мобайнида ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик

сафланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амал оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб ракамида бу ҳакида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибида амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қиласди.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлик истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча олинган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини тармоқдан узиб қўйиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш приборлари қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсингиллик қиласиган хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аникланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоқка унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳакининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр курилмаларини Корхона электр тармоқларида техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олиш;

Корхонага иsteъmol қиласиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

р энергияси түлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат күрсаткичлари давлат даргларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган рарни белгиланган тартибда қоплатиш;

шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишға тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатинча, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори қувватга уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва Корхона талабига кўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуидаги хукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчини электр тармоқларидан узиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофик бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона ва Бюро мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлинин чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўреатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозлик бартараф килиш;

электр хўжалиги обьектларини режали таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги содир бўлиши мумкин бўлган узилишлар тўғрисида уч суткадан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган қундан бошлаб 10 қундан кечикмай кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган холда хабар килиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган заарни қоплашга, Иsteъmolchi эса етказилган реал заарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Иsteъmolchi Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки ёнгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Иsteъmolchi олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31. XII гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойга тадбик этилмасдан, келгуси ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланадиган иккى нусхада тўзилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳакиқий ҳисобланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи:

Почта манзили Моғисса №2
 Хисоб рақами 100022860302217064200110001
 Банк коди (МФО) 000014 (ИНН) 300695662
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича кадастр рақами _____
 Махалланинг номланиши _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:
 Бюджет фонднинг хисоб рақами 234020003001000001010
 Банк коди (МФО) _____ (ИНН) 201122919
 Бюджет фонднинг хисоб рақами _____
 Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
 Телефонлар _____ Факс: _____

(Истеъмолчи, шу жумладан унинг раҳбарини уали телефоны кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД _____
 СООГУ _____
 СОАТО _____
 КФС _____
 КОПФ _____
 ОКПО _____

Корхона:


Почта манзили: Учкўприк тумани Ўрокчи қишлоқ
 Хисоб рақами: 2263 6000 6002 1528 9464
 Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200 144 930

Телефонлар: 51-51-0-91

Статистик кодлар:


СООГУ 1013
 СОАТО 1730221

Корхона вакили:



М. Ў., имзо, давозими, Ф.И.О

Истеъмолчи:



М. Ў., имзо, давозими, Ф.И.О

Юрист хулосаси:

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Етказиб бериладиган энергия
ХАЖМИ**

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Электр ҳаъминотининг ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
5. Ҳисоб-китоб тури: _____


тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин)

		Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича				
		Энергия ҳажми минг кВт.с				
Йил, жами	26666					
Январь	13333					
Февраль	6666					
Март	6667					
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Корхона бир кунда _____ соат, бир ойда _____ кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама нисбати % да, I _____, II _____, III _____ ни ташкил қиласди.

Корхона вакили:

*Муродов Р.И.
Р.И. Муродов*



Истеъмолчи:

*Умидбеков Ф.И.О.
Ф.И.О. Умидбеков*

(Сана, Ф.И.О, имзо)



**Энергияни ҳисобга олиш приборлари
ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

Истельмо лчининг субистеъ молчи- нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилг ан	Ҳисобга олиш прибори тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобг а олиш прибо ри рақам и	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг	Ўлчов трансформат орларининг трансформац ия коэффициент и	Ҳисо б- кито б коэф фици енти	Ҳисобга олиш прибори нинг шартном а тузилган кундаги кўреатки члари	Тариф тури сумма/ 1 кВт.с.
			Корх она- нинг	Бюро -нинг		Ток	
0. Чубаев М.У.	77E-73-SP-2-3	113210080126				380	0000 45000

Имзолар:

Истельмолчи:

Чубаев, Маджид
М.У. Имзо



Корхона:

(М.У. Имзо)

Энергия (актив, реактив) сарфланиши түғрисида
ХИСОБОТ

20 ____ йил _____ ойи бүйича
Күрсаткычлар қайд этилган сана «____» 20 ____ йил.

Уланған жой номи, хисобга олинш приборин инг завод рақами, хисобга олинш тури актив,ре актив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори күрсаткычл ари	Хисо бга олиш приб ори күрса ткич лари нинг фарқ и	Сарф кВт.с „ кВар. с	Табакалаштирилган тариф бүйича сарф кВт.с.					
							Эрта лабк и тифиз вақт	Кун	Кечк и тифиз вақт	Тун		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7 = гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7 = гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13, гр8 = гр 7*гр 4



Истеъмолчи раҳбари:

Жумаев Абдусалом
Ф.И.О.
М.Ү.

Корхона вакили:

Ф.И.О.
М.Ү.

Бош энергетик:

Ф.И.О.
М.Ү.

Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича
масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. Истеъмолчининг балансида қуидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармокларнинг баланс бўйича мансублик чегараси:

*Ф. Қолмоғот 10 кВа, Узгашине сенни
тадасиши изолаторларига улашган
чевшия сиздан*

3. Улардан қуидагиларга:

а) *Чеснекогли баракасига иш ва
барга ишни Э. Муродова гарига*

хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан
кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг холати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси

куидагича белгиланди: *Ф. Қолмоғот 10 кВа хаво
менни сенни тадасиши изолаторларига
улашсан чевшия сиздан*

Вакиллар:

Истеъмолчи

Жеміф.

(имзо)

Р. Ўрвалов

(Ф.И.О.)

М.ў.

Корхона

Ж.

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.ў.

**Энергияни йўқотилишларини аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Энергияни ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган энергия йўқотишлари қуидагилар ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқотиш _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергияни йўқотиш _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ, булса, _____ кВт.соатни ёки _____ фоизни ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ, булса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади;

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи:

Чукурбеков. бозиев
Ахмадбек Имзо
(М.Ў. Имзо)

Корхона:

(М.Ў. Имзо)

**Компенсация қурилмаларининг
ИШЛАШ РЕЖИМИ**

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг тури	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкүрун	
1.	Конденсаторлар, кВар 1000 В гача 1000 В дан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 В гача 1000 В дан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 В гача 1000 В дан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СД бел гиланган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВар: 1000 В гача 1000 В дан юқори.				

2. Реактив энергияниң иқтисодий қиймати

Йил, ой	Реактив энергияниң иқтисодий қиймати (кВар.соат)	Жумладан		Шу жумладан тариф гурухлари бўйича:	Қувват коэффициентининг қиймати	
		Катта юкламали соатларда соат 6-00 дан 22-00 гача (кВАр.с.)	Кичик юкламали соатларда соат 22-00 дан 6-00 гача (кВАр.с.)		Катта юкламали соатларда соат 6-00 дан 22-00 гача	Кичик юкламали соатларда соат 22-00 дан 6-00 гача
Январь						
Февраль						
Март						
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, шартнамадаги кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган қиймат солиғи хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун куйидаги миқдорда аниқланади:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, истеъмол қилинган реактив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

10% - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича қопланмагани хисобига қувват коэффициенти кийматининг истеъмолчилар томонидан шартномада кўрсатилганига нисбатан пасайтирилгани аниқланганда. Корхона энергия йўқолиши кийматининг техник-иктисодий хисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилгани учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундириади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблағларни ундириш хисоб-китоб даврида шартномада кўрсатилганига нисбатан истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг тасдиқлови мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари Истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармогида электр тармоғининг катта юкламили соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламили соатларида ягона энергия тизими тармогидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

Корхона:

М.У. Йозоев
М.У. Йозоев
 (М.У. Йозоев)


(М.У. Йозоев)

**Авария ва технологик бронни аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Истеъмолчининг _____
иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикин тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p	Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар иоми*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, усқунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) технологик бронга, шунингдек, авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг).

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтгандан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача ўчирилади.

T/p	Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар иоми*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			

Жами: _____ кВт

а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриғлаш ёритиш мосламаларига оғирлик тушиади.

б) Заҳира ёнгинга қарши насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушибу агрегатлар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

Хуробојаев Абдулжон

Корхона:

Жемилев Р. Заррасинъ



(М.Ў. Имзо)

(М.Ў. Имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi

SHARTNOMA

2. Loyihaning nomi

Yuridik shaxslar uchun elektr ta'minotining namunaviy shartnomasi

3. Shartnomaning mazmuni

Keyingi o‘rinlarda «Korxona» deb ataluvchi Uchkuprik tumani Elektr tarmoqlari korxonasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbar N.Melikuziev bir tomondan va “Iste’molchi” deb ataluvchi Uchko‘prik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi raxbari D.Y.Ergashev ikkinchi tomondan, ushbu shartnomanini quyidagilar haqida tuzdilar:

I. SHARTNOMA PREDMETI:

Ushbu Shartnomaga muvofiq, Korxona Iste’molchiga elektr energiyasini (keyingi o‘rinlarda — energiya deb ataladi) ulangan tarmoq orqali yetkazib berish va Iste’molchi iste’mol qilingan energiya uchun o‘z vaqtida haq to‘lash majburiyatini oladi.

II. YETKAZIB BERILGAN ENERGIYANI HISOBGA OLISH:

2.1. Energiya iste’molining yillik shartnomaviy hajmi:

aktiv 26666 kVt.sni tashkil etadi.

2.2 Yetkazib beriladigan energiyaning Shartnoma tuzilgan kundagi umumiy narxi 450 so‘mni 08.11.2017 y.dagi PQ-3379-sonli qarorda tasdiqlangan ro‘yxat bo‘yicha mahsulot ishlab chiqaruvchi va ayrim xizmatlar ko‘rsatuvchi iste’molchilar uchun tasdiqlangan tarifni tashkil etadi.

III. HISOB-KITOBLAR TARTIBI

3.1. Energiya uchun hisob-kitoblar tabaqlashtirilgan, bir stavkali tarif yoki 08.11.2017 y.dagi PQ-3379-sonli qarorda tasdiqlangan ro‘yxat bo‘yicha mahsulot ishlab chiqaruvchi va ayrim xizmatlar ko‘rsatuvchi iste’molchilar uchun tasdiqlangan tarif bo‘yicha amalga oshiriladi.

3.2. Ulangan quvvati 750 kVA va undan yuqori bo‘lgan Iste’molchi bilan (byudjet tashkilotlari, fermer xo‘jaliklari va suv iste’molchilari uyushmalarining nasos stansiyalari, shuningdek, Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan nasos stansiyalari bundan mustasno) hisob-kitob qilishda sutka vaqtleri bo‘yicha tabaqlashtirilgan tarif qo‘llaniladi.

3.5. Tariflar o‘zgarganda, Iste’molchi yetkazib berilayotgan energiya uchun to‘lovnini yangi tarif bo‘yicha, ular kuchga kirgan kundan boshlab amalga oshiradi.

3.6. Iste’molchiga energiya yetkazib berish, u tomonidan kelgusi hisob-kitob davri boshlangunga qadar shartnomaviy miqdor qiymatining 100 foizini (100%) oldindan to‘lagandan so‘ng amalga oshiriladi.

3.7. Korxona energiya sarfi to‘g‘risidagi hisobot asosida belgilangan tartibda hisob-kitobni amalga oshiradi hamda hisob-faktura va to‘lov uchun hisob-varag‘ini besh kun mobaynida yozib beradi.

3.12. Iste'molchi Korxona bilan birgalikda har oyda, hisob-kitob davri замон bo'lgandan keyin besh kun mobaynida o'zaro hisob-kitoblarining taqqoslash dalolatnomasini tuzadi.

6.1. Shartnoma 2022 yil 31 dekabrgacha bo'lgan muddatga tuziladi.

4. Shartnomaning sanasi va raqami: 2022-yil «25»yanvar 440004-son

Ushbu shartnoma Uchko'prik tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 22-yanvar kuni Uchko'prik tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga elektron shaklda taqdim qilingan.

Shartnoma loyixasini xuquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 122-moddasi 5-qismida "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berish to'g'risida tuziladigan shartnomalarida 15 foiz miqdorida oldindan to'lojni amalga oshirish nazarda tutiladi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini tomonidan belgilangan hollar bundan mustasno." deb belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgustdagi 241-soni "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori ilovasida ko'rsatilgan "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari Ro'yxati"da Elektr energiyasi uchun shartnomaning oylik summasidan kamida 30% oldindan to'lash mumkinligi belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 122-moddasi 3-qismiga ko'ra, byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining byudjetdan ajratiladigan mablag'lar bo'yicha tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib beruvchilar bilan tuzgan shartnomalari, shuningdek ularga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar ular g'aznachilik bo'linmalarida ro'yxatdan o'tkazilganidan keyin kuchga kiradi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi va amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq Uchko'prik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim qilingan shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Uchko'prik tumani Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



24-yanvar 2022-yil

I.Murodov